

ОБЪЕКТНИ ФЙДАЛАНИШГА ТАЙЁР ҲОЛДА ҚУРИЛИШГА ДОИР ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Самарканд ш.

23 август 2022 йил

Самарканд давлат чет тиллар институти (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи директор И.Тухтасинов бир томондан ва "BULOQBOSHI QURILISH INVEST" МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан Низом (устав) асосида иш юритувчи директор З.Ахадов иккинчи томондан, Институтнинг Самарканд шаҳар, Гагарин кўчаси, 43-уй манзилида жойлашган худудда 11 туйнукли хожатхона қуриш объекти буйича ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект (қуриш, қайта қуриш ва мукамал) таъмирига ишчи чизмалар туркуми, ер ишларида тегишли ташкилотлардан хулосалар, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қодаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома буйича объектда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш буйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бажариладиган ишлар учун зарур шароитлар яратиш, бажарилган ишларни қабул қилиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БҲЙИЧА ИШЛАР ҚЙМАТИ

3. Мазкур шартнома буйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил «19» августдаги 135252-сон баён) билан тасдиқланган ишлар қиймати ушбу объект тулақонлигига фойдаланишга топширилишида ҚҚСлари билан **142 434 235** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

объектнинг қайта қуриш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартнома қийматининг ун фоизидан ошмаган ҳолда ва ушбу ўзгаришларга белгиланган тартибда смета-ҳужжатлари тайёрланган ҳолда расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома буйича Пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Объектдаги қурилиш ишлари бошланишдан олдин объектда қурилиш ишларини олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида қурилиш худудни далолатнома асосида қурилиш майдонини қабул қилади, худудда мавжуд элементларини сақлаш ишларини амалга оширади;

Ушбу қурилиш объектини қуриш даврида электр энергияси, сув ва табиий газдан фойдаланиш зарурияти бўлган тақдирда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартнома тузиш, туловларини амалга ошириш, зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин, ҳар қандай иш туридаги ушбу ўзгаришлар юзасидан Буюртмачини ҳабардор қилиш;

лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда икитисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турлари тендер иш ҳажмларида булса нархлари тендер нархларида олиниши, агарда тендерда булмаса смета-ҳужжатларидаги нархларда олиниб ҳисоб-фактурасида курсатилиши лозим.

объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қўрилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қўрилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади;

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, Ўзининг кучлари билан қўрилиш қодалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш, ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади ҳамда ажратилган маблағ доирасида қўрилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини бажаради;

объектга зарур қўрилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қўрилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни амалга оширади;

зарур ҳолларда қўрилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куради;

Буюртмачини, ёрдамчи пудратчилар билан пудрат шартномалари тузилиши давомида, ушбу шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилади;

қўрилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қўрилиш майдонини ўзига тегишли қўрилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қўрилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатади;

қўрилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

Ойма-ой ёки бир ой давомида бажарилган қўрилиш-монтаж ишлари юзасидан мониторинг ҳолатда ҳисоб-фактурасини ойнинг 25 санасигача Буюртмачига тақдим қилади;

Объектда қўрилиш-монтаж ишлари тулик тугатилгандан кейин бажарилган қўрилиш-монтаж ишлари юзасидан ҳисоб-фактурани тулик тақдим қилади;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

7.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан пудратчи ташкилоти "Буюртмачи" ушбу объект бўйича аванс маблағларини молиялаштириб берганига қадар 20 фоиз айланма маблағлари ҳисобидан қўрилиш-монтаж ишларини бошлашига қелишилди.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қўрилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

9. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

10. Пудратчи объектда қайта қўриш ишларини танлов савдоларининг натижаларига асосан 80 кунда тугатиб, объектнинг сифатли ва тулик қилиб (тегишли барча ҳужжатлар билан бирга) фойдаланишга топширади. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошқа сабаблар булганда вилоят тендер комиссиясининг қарорига асосан қўрилиш муддатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ишларнинг бошланиши 2022 йил 23 август, тугатилиши 2022 йил 11 ноябр

Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр.

11. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. TЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (1-илова) ва молиялаштириш (2-илова) жадваллари асос ҳисобланади.

Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича жорий (режалаштирилган) йилнинг иш қийматининг 15 фоиз миқдоридан аванс маблағини 2022 йил август ойида тўлаб беради. Бу 21 365 135,25 сўмни ташкил этади. Қолган маблағни бажарилган ишлар қийматига нисбатан 2022 йилда тўлаб берилади.

13. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган қурилиш-монтаж ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура” билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат кўрсаткичлари 1-иловага асосан акс эттирилади ва “Буюртмачи” томонидан 2-иловага асосан молиялаштирилади.

14. Жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан берилган аванс миқдорини ушлаб қолиб, объектнинг шартномавий қиймати 80 фоиз миқдорда амалга оширилади.

15. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

16. Объектнинг шартномавий бажарилган ишлар қийматидан 5 фоиз миқдоридаги маблағ мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (объектга тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб тақдим этилгандан) тугагандан сўнг, лекин кафолат муддати тугаган молиявий йил якунланмасдан олдин молиялаштирилади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Буюртмачи объектда ўз вақилини - техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

19. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

20. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

21. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 20 кунидан 25 кунгача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) ойнинг 28 кунига қадар бажарилган ишлар ҳисоботини Инжиниринг компаниясига топширади.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

26. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

27. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

28. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

29. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

30. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

31. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва “Давархитектурурилишназорат” инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

32. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (боскичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (боскич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни куйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи (раис), пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), объектга хизмат кўрсатадиган юқори ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

33. Пудратчи Буюртмачининг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

34. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва кийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Объектда қурилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралиқ ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектдан фойдаланувчи ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва киймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

35. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

36. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди.

37. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, кунлик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

38. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва қайта қуриш ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

39. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари- бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий- иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.

40. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

41. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

42. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

43. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Қурилиш объекти ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

Пудратчи ташкилот ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган объектнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемлари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналлари;

- Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш далолатномалари.

44. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

45. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда объектлардан фойдаланиш қорхонаси балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

47. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа-смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни, сифатли бажаришини;

Ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

лойиҳа-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турларига смета-ҳужжатларини тайёрлатиш;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди;

48. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

49. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

50. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилиш назорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

51. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

бажарилган қурилиш-монтаж ишларига бажарилганлиги юзасидан ҳисоб-фактурасини расмийлаштириб бир ой ичида топширилмаган ҳолда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган таъмирлаш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

54. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

55. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

56. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

57. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

Қурилиш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкӣ жавобгардир:

сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

буюртмачи билан тузилган шартнома асосига қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;

объектнинг лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

Қурилиш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

